*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 212 (5503)
17 СЕНТЯБРЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## СУРИЯЛИК МЕҲМОН

Сурия Араб Республикаси Араб Социалистик уйғониш партияси бош секретарининг Совет Иттифоқида дам олаётган ўринбосари Абдалла ал-Аҳмар Тошкентга келди. Аэропортда меҳмонни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ғ. Ҳ. Қодиров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Абдалла ал-Аҳмар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройини ва шаҳарнинг диққатга сазовор бошқа жойларини бориб кўрди. У Бухоро ва Самарқандга ҳам сафар қилади.

КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. И. Вавилов суриялик меҳмоннинг сафарида ҳамроҳлик қилмоқда.

(ЎзТАГ).

# ПАРТИЯ АРДОҒИДА, ХАЛҚ ҚАЛБИДА

**БУГУН РЕСПУБЛИКА КИНОЧИЛАР УЙИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА РЕСПУБЛИКА ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

**Пленумда республикамиз ёзувчи ва шоирлари, шунингдек, қардош республикалар ижодий союзларининг вакиллари иштирок этдилар.**

**Пленумда республика ёзувчилар уюшмаси ярим аср ичида босиб ўтган йўлга якун ясалди, адабиётнинг халқчиллиги, партиявийлиги ва бадиий қудратини янада юксалтириш бўйича режалар белгиланди.**

**Тошкент халқаро ва Бутуниттифоқ адабий анжуманлари маркази сифатида шуҳрат қозонган. Бу ерда бўлиб ўтадиган адабиёт байрамларида ўзбек адиблари қардош республикалардан келадиган қаламкаш дўстларини ҳамиша қувонч билан кутиб оладилар.**

* * *

**СУРАТДА: СССР Ёзувлар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков Ўзбекистоннинг етук сўз усталари даврасида.**

Газетамизнинг учинчи саҳифасида маданий ҳаётимиздаги шонли воқеа — СССР ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг 50 йиллигига бағишланган материаллар билан танишасиз.



# ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА



## ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

**Тошкент метрополитени биринчи навбати иккинчи линияси қурилишида меҳнат мароми бир дақиқага ҳам сусаяётгани йўқ. Метросозлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ғайрат билан меҳнат қилишяпти.**

**Юбилейга бағишланган социалистик мусобақа пешқадамлари сафида Л. Костенко, Ю. Кошевой, Ю. Тальдикин (суратда)лар ҳам бор. Бу лаҳмчи-монтажчилар смена топшириқларини мунтазам 30—40 процент ортиғи билан адо этишяпти.**

## ҚАНОТЛИ ЁРДАМЧИЛАР

**Тошкент областининг дала аэродромларида шу кунларда иш айниқса қизғин. Қишлоқ хўжалик авиациясининг ўнлаб самолётлари ҳозир ғўза дефолиациясини олиб боришаяпти.**

...Мана меҳнатда толиқмас «АН-2» самолёти оҳиста ерга қўнди. Самолёт парраклари айланишда тўхташи билан унга дефолиантларни юклай бошлашди, зарур бўлса ёнилғи билан таъминлашади. Бир неча минут ичида экипаж экинларга ишлов бериш харитасига аниқлик киритишга, авиатехник эса машинанинг созлигини кўздан кечиришга улгуради холос. Шундан сўнг самолёт қисқа масофага югуриб бориб, яна осмонга кўтарилади.

Сергели авиакорхонасининг авиаторлари Тошкент областида биринчи бўлиб Ғалаба районидаги Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхоз далаларига ишлов беришни бошладилар. Дефолиация мавсумини «очиш» ҳуқуқи А. Ҳасанов ва А. Аҳмедов экипажларига берилди. Авиаторлар пахтазор узра дастлабки иш кунлариданоқ зарбдор суръат намуналарини кўрсатдилар. Ҳар бир экипаж бир кунда 170—180 гектар майдонга ишлов беришга муваффақ бўлмоқда.

Авиакорхона учувчилари ўртасида экинларга аъло даражада ишлов бериш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

## ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИКНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

15 сентябрь куни Ўзбекистон пойтахтида СССР Ёзувчилар союзи ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб катта адабий кеча ўтказилди.

Ишчилар, колхозчилар, олимлар, инженерлар, ўқитувчилар — бугунги кунда шоирлар ўз шеърларини бағишлаётган, уларнинг образлари романлар, повестлар, ҳикоялар саҳифаларида акс эттирилаётган кишилар В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройига келдилар. Буюк пролетар ёзувчиси Максим Горький совет ёзувчиларининг 1 съездида ана шу кишилар — ҳаёт бунёдкорлари бўлмиш янги қаҳрамонлар ҳақида гапириб, бундай деган эди: социалистик реализм адабиётининг мақсади — табиат кучлари устидан ғалаба қозониш учун, ер юзида яшаш буюк бахти учун одамнинг энг қимматли шахсий қобилиятларини узлуксиз ривожлантиришдан иборат одам ягона оилага бирлашган инсониятнинг бутун ажойиб масканы сифатида шу ерни парваришлашни истайди.

Адабий кеча қатнашчилари Горькийнинг кучайтирилган овозини эшитдилар. Ёзувчининг фикрини давом эттириб, унинг даъватига жавобан барча авлодларнинг шоирлари партияга, Ленинга, совет кишисига, жонажон диёрга бағишлаб тўқиган улуғвор қасида янгради.

Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон ўз шеърларини ана шу қасидага қўшган эдилар. Кеча қатнашчилари уларнинг овозларини ҳам эшитдилар.

СССР халқлари дўстлиги саройида қардош республикалар шоирларининг шеърлари ҳам янгради. Бу адиблар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўз шеърий туҳфаларини топшириш учун республикамизга келишган.

Шоирлар шу куни тинчлик, дўстлик, қардош халқларнинг мустаҳкам иттифоқи тўғрисида, ҳур совет диёри ҳақида ажойиб қасида тўқидилар.

(ЎзТАГ).

# ПАХТАЗОР — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ



## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Советн ва Маҳаллий Советлар депутатлари бир группасининг 1984 йилда пахта териш кампаниясини уюштиришда шахсан иштирок қилишларини кучайтириш тўғрисида республика Советларининг барча депутатларига қилган мурожаатини маъқуллади.**

**Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига бу мурожаатни кенг тушунтириш ва пропаганда қилишни таъминлаш, республика меҳнаткашларини 1984 йилда етиштирилган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни муваффақиятли ўтказишга сафарбар қилиш юзасидан ташкилий ва сиёсий тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни топширди.**

**Урим-йиғим ишларининг тез суръатлари ва сифати учун, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, нобудгарчиликни камайтириш, пахта ва пахта маҳсулоти сифатини ошириш учун, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш керак.**

(Депутатларнинг мурожаати кеча республика газеталарида эълон қилинди).

## ОҚ ЙЎЛ, ДАРҒАЛАР!

БУГУН

**шаҳримиздаги енгил таксомоторлар экспериментал ишлаб чиқариш автотранспорт корхонаси (ЭПАП) дарвозаси олдидан штурвалларини таксичилар бошқараётган «зангори кема»лар карвони тантанали суратда чўлга — Жиззах область Октябрь районидаги оталиқдаги Охунбобоев номли совхоз пахтазорларига йўл олди.** Тошкентлик таксичилар ҳар йилги анъанага биноан бу хўжаликда пахта ҳосилини машиналар ёрдамида йиғиб-териб олишда иштирок этадилар. 35 таксичи смена билан 17 та икки қаторли «ХНП—1,8» маркали пахта териш машинаси штурвалини бошқариб, хўжаликнинг 2 минг тоннадан ортиқ юбилей йили «оқ олтин» ҳосилини териб берадилар.

Тошкентлик таксичилар мана саккиз йилдирки, қўриқдаги Охунбобоев номли совхозда пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олишда иштирок этишаяпти. Уларнинг бу борадаги маҳорати йил сайин ортиб бораяпти. Отрядга ҳар йили бўлганидек юбилей йилида ҳам ишлаб чиқаришда пешқадам бўлган, йиллик топшириғини саккиз ойда бажаришга улгурган моҳир таксичилар киритилди. Н. М. Верченко отряд командири, КПСС аъзоси, корхона партия комитети аъзоси Мирзазиз Акбаров комиссар этиб тайинланди. Отряд аъзоларидан Мирсоат Умаров, Сергей Фролов, Аҳмаджон Қудратов, Александр Ребриковлар 5—6 мавсумдан бери пахта теримида қатнашаётган, «зангори кема»ларни бошқаришда яхши малака орттирган йигитлардир. Бу йигитлар республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейи шарафига мавсумда камида хирмонга 140—150 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳд қилиб қўйдилар.

«ЭПАП» ўз номи билан янгилик ижодкори, шаҳримиздаги автотранспорт корхоналарининг байроқдоридир. Пойтахтимизнинг пассажир транспорти корхоналари ишлаб чиқаришни намунали ташкил этишда, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда, коллективнинг социал ривожлантириш режаларини амалга оширишда шу корхонадан ибрат олаяптилар.

Коллектив «Ўроқ ва Болға» иттифоқини мустаҳкамлашда ҳам намунали ишлар қиляпти. Автотранспортчилар мана бир неча йилдирки, Жиззах область Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз коллективи билан оталиқ алоқалари бўйича шартнома тузиб, хўжаликни иқтисодий ва социал ривожлантиришда, пахтачиликни юксалтиришда самарали ёрдам бериб келаяпти. Шу йилнинг ўзида хўжаликка 6 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 1 та автобус, 1 та тележка, сув ташиш учун 2 та цистерна юборилди.

Ғўза парвариши мавсумида хўжаликка иккита кўчма автоустахона юборилиб, бир группа слесарь-ремонтчилар техника ремонтида иштирок этишди. 6 августдан 26 августгача бўлган муддатда эса яна бир группа ремонтчилар хўжаликда бўлиб, таксичиларнинг ўзлари ишлайдиган «зангори кема»лардан 12 тасини, 20 тага яқин прицепни ишга шай қилиб қайтдилар.

Эрта-индин таксичилар «зангори кема»ларнинг штурвалини пахтазор узра буриб, дастлабки тонна «оқ олтин»ларни хирмонга тўкадилар.

**А. ЭГАМНАЗАРОВ.**
**«Тошкент оқшоми» мухбири.**

**СУРАТДА: Жиззах области пахтакорларига ёрдамга отланган ҳайдовчилар (чапдан ўнгга) биринчи қаторда — В. Морозов, М. Умаров, М. Акбаров (отряд комиссари), В. Кападзе; иккинчи қаторда — С. Фролов, Б. Зериков; учинчи қаторда — А. Платунов, А. Ребриков, С. Файзуллин.**



## ТУНИСДА «ТОШКЕНТ КУНЛАРИ»

ТУНИС, 14 сентябрь. **(ТАСС мухбири).** Бу ерда Тунис пойтахти билан биродарлашган шаҳарга бағишлаб «Тошкент кунлари» ўтказилмоқда. Шу шаҳарларнинг ҳар бири йил сайин уюштираётган тантанали тадбирларда қатнашмоқ учун Совет Ўзбекистони делегацияси бу ерга келди. Делегация составида «Ташсельмаш» ва Тошкент трактор заводларининг ишчилари, маориф, фан ва маданият ходимлари, шаҳар бошқарув органларининг хизматчилари бор.

Тунис диёрида пойтахт муниципалитетининг вакиллари делегацияни самимий кутиб олдилар.

Пойтахтдаги Конгресслар саройида дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Кечада шаҳар жамоатчилигининг намояндалари, «Тунис — СССР» дўстлик жамиятининг аъзолари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Совет делегацияси Тунисга қилган визити давомида Қайруан, Сус, Монастир, Сфакс шаҳарларига боради.

**В. ЛЕБЕДОВ.**

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари учун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг доценти ўртоқ Асхад **Хабиров**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

# ШУ КУННИНГ НАФАСИ

## *Бугун Тошкентда:*

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида бу йилги «оқ олтин» ҳосили учун курашда фаол иштирок этиши лозим бўлган пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг студент отрядларини комплектлаш бошланди. «Зангори кема»ларнинг штурвалларини мингдан зиёд ёш механизаторлар бошқаради. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейи шарафига, халқимизнинг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллиги арафасида улар ўз терим агрегатларининг бункерларидан 50 минг тоннадан зиёд олий нав пахта тўкиш мажбуриятини олдилар.**

●

**Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ҳам худди шундай тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу олий ўқув юртининг 60 дан зиёд студенти пахтазорларда «зангори кема» ҳайдовчиларининг ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Отряднинг состави меҳнатни муҳофаза қилиш кафедрасининг ўқитувчилари техника хавфсизлиги бўйича синчиклаб инструктаж ўтказганларидан сўнг тасдиқланади. Далалардаги ишларга раҳбарлик комсомол штаби зиммасига юкланган.**

## ОБ-ҲАВО

● **Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда** 23 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 14—16, эртага кундузи 30—32 даража иссиқ бўлади.

## Мусобақалар кундалиги




Тошкентдаги спорт базаларида спартакиада баҳслари авж олиб боряпти. Беллашувларда республикамизнинг ёш спортчилари ҳам муносиб қатнашмоқдалар. Жумладан, футбол бўйича республикамиз терма командасининг аъзолари РСФСРлик тенгдошларини 3:0 ҳисобида енгишиб, ўз группаларида якка пешқадам бўлиб олдилар.

«Меҳнат резервлари» спорт комплексида волейболчилар баҳс бошлашди. Бу ерда ўсмирларимизнинг омади келмади. Улар қирғизистонлик тенгдошларига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Қизлар эса эстониялик тенгдошларини ана шундай ҳисобда енгишди. Баскетболчиларимиз ҳам биринчи учрашувни ғалаба билан якунладилар. Улар РСФСР (Ленинград) терма командаси аъзоларини 76:71 ҳисобида енгдилар.

«Динамо», «Пахтакор» теннис кортларида теннисчилари баҳсларни давом эттиришяпти. Навбатдаги турда қизларимиз латвиялик спортчиларни 3:1 ҳисобида енгдилар. Ўсмирлар эса ана шундай ҳисобда озарбайжонлик спортчилар устидан ғолиб чиқишди.

# ОЛТИН КУЗ ИНЪОМЛАРИ




«Олтин куз» шу кунларда Ўзбекистон меҳнаткашларига Россия қўшиқларини, Белоруссия ва Озарбайжон рақсларини, Молдавия оҳангларини саҳийлик билан инъом қилмоқда. Бутуниттифоқ санъат фестивали театрлар, маданият саройлари, ишчи ва қишлоқ клубларида давом этмоқда.

Шаҳрисабздаги В. И. Ленин номли колхозда Озарбайжон ашула ва рақс ансамбли билан «Шодиёна» қишлоқ ҳаваскорлик коллективининг биргаликдаги концертлари бошланди. Кўпгина конкурсларнинг бир неча марта совриндори бўлган колхоз ансамбли ўз дўстларининг , келишига Озарбайжон халқ қўшиқ ва рақсларини тайёрлашди. Бу номерлар меҳмонлар қардош республикадан олиб келган Совет Озарбайжони тўғрисидаги вокал-хореографик ҳикоянинг бир қисми бўлди.

Наманган аврли газламалар комбинатининг тўқувчилари Белоруссиядан келган меҳмонлар — «Хорошки» ансамбли иштирокчиларига ўз ишлари тўғрисида сўзлаб беришди. Цехларда бошланган учрашув сўнгра ансамбль концерти қўйиб берилган тўқимачилар маданият саройига кўчди.

Фестиваль тантаналари Тошкентда ҳам давом этмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР халқ артисти И. Колпакова билан РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Бережной Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри спектаклларида иштирок этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

